



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

10.01.2022 й Ўзбекистон тумани 4-1503-2101/1004-сонли иш.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси М. Мирмаксудовнинг раислигида, Х.Тўйчиевнинг котиблигида, даъвогар Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар – [REDACTED] га нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан аризачи вакили М.Мирзаакбаров (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризадан кўринишича, [REDACTED] (кейинги ўринларда “жавобгар” деб юритилади) томонидан 2021 йил 2-чорак учун Айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ инспекцияси – Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекциясига (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) тақдим этмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Иқтисодий процессуал кодекснинг 220-моддасига мувофиқ, суд низони жавобгарнинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъвони қаноатлантиришни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан 2021 йил 2-чорак учун Айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ инспекцияси – даъвогарга тақдим этмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб



рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 215-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 217-моддасига мувофиқ, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш – ҳуқуқий таъсир чорасидир.

Солиқ Кодексининг 82-моддаси 1-қисмига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ Кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Даъвогарнинг даъво талаблари асосли, қайд этилганларга кўра суд даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

“Давлат божи тўғрисида” ги Қонуннинг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Қайд этилганларга кўра, суд тарафлардан давлат божи ундирмасликни, ариза қаноатлантирилганлиги сабабли, почта ҳаражатлари жавобгар зиммасига юкланишини лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 221, 222-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар

_____ томонидан белгиланган солиқ ҳисоботлари аризачи Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекциясига тўлиқ тақдим этилмагунга қадар, жавобгар _____

_____нинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари тўхтатиб турилсин.

Ҳисоботлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, _____нинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари аризачи Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекциясининг қарори (расмий хати) билан тиклансин.



Жавобгар

хисобидан даъвогар Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 21 600 сўм почта ҳаражатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарордан норози тараф ўн кун муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Раислик этувчи

М.Мирмаксудов

